IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 21 Issue 02 May 2026

БОЛАЛАРДА ДИЗАРТРИЯ НУТҚ КАМЧИЛИГИНИ БАРТРАФ ЭТИШДА ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ СИНОВ ТАЖРИБАСИДА

Аюпова М.Й.
Низомий номидаги ЎзМПУ Логопедия кафедраси профессори пед.фан.номзоди
Тошмуродова Лола Қаюм қизи
2-курс магистранти
Doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.20363852

Аннотация: Мазкур мақолада дизартрияли мактабгача ёшдаги болаларда товушлар талаффузи камчиликларини бартараф этишда логопедик ўйин технологияларини лойиҳалаш ҳамда ўйин технологияларини қўлланилиши нутқий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатишини илмий асослаш мақсадида ўтказилган тажриба-синов ишлари мазмуни ёритилган.

Калит сўзлар: дизартрия, артикуляцион моторика, логопедия, нутқ нуқсонлари, ўйин технологиялари, фонематик эшитиш.

Аннотация: В данной статье освещается содержание экспериментально-исследовательской работы, направленной на научное обоснование эффективности применения логопедических игровых технологий в коррекции нарушений звукопроизношения у детей дошкольного возраста с дизартрией. Также рассматривается влияние данных технологий на развитие речи.

Ключевые слова: дизартрия, артикуляционная моторика, логопедия, речевые нарушения, игровые технологии, фонематический слух.

Abstract: This article presents the content of experimental research conducted to scientifically substantiate the effectiveness of designing and applying speech therapy game technologies in correcting pronunciation deficiencies in preschool children with dysarthria. It also highlights the positive impact of these technologies on speech development.

Keywords: dysarthria, articulatory motor skills, speech therapy, speech disorders, game technologies, phonemic hearing.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқида камчиликлар кузатилиши унинг таълим олишини мураккаблаштиради.

Сўнгги пайтларда турли хил нутқ бузилишлари бўлган болалар сонининг кўпайиши тенденцияси кузатилмоқда. Шундай қилиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Халқ таълим вазирлиги ва Республика мутахассислари олиб борган кузатувларга кўра фонетик-фонематик ривожланиш бузилишлари – тахминан 60–70%, умумий нутқ ривожланишининг кечикиши – 20–25%, логоневроз – 5–7%, дизартрия – 3–5%, ринолалия – 1–2% ташкил этар экан.

Дизартрия - нутқ фаолиятининг моторли амалга оширилиши жараёнида бир нечта бузилишларнинг комбинацияси билан тавсифланган нутқ бузилишидир. Шу билан бирга, махсус логопедия адабиётларида дизартрия нафақат товуш талаффузининг, балки нутқ аппаратининг иннервациясининг органик етишмовчилигидан келиб чиқадиган нутқнинг просодик томонининг бузилиши сифатида ҳам таърифланади.

Биз томондан олиб борилган таъкидловчи тажриба синов ишларига кўра дизартрияли болалардаги товуш талаффузининг бузилиши нутқий нуқсон тизимида етакчи ҳисобланади. Фонетик бузилишлар нутқ аппаратини мускулларини етарлича органик иннервацияланмаганлигидан келиб чиқиши тажриба жараёнида аниқланди. Товуш талаффузидаги камчиликлар полиморф характерда бўлиб, улар товушларни бузиб талаффуз қилиш ва алмаштириш кўринишида ифодаланди.

Артикуляцион аппарат тузилиш ва ҳаракатчанлигини текшириш жараёнида дизартряли болаларнинг деярли барчасида камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Артикуляцион аппарат тузилишини ва ҳаракатчанлигинии текшириш натижалари болаларда учрайдиган товушлар талаффузини камчиликларининг сабабларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Болаларда товушлар талаффузини бузилиши товушларни нутқда йўқлиги, уларни бузиб талаффуз этиш ва бир-бири билан алмаштириш ҳоллари билан намоён бўлиши кузатилди.

Товушлар талаффузи фонетик контексга, товушни сўздаги ўрнига, сўзнинг бўғин таркибининг мураккаблигига боғлиқ эканлигини ўрганиш ҳамда ундаги камчиликларни ўйин технологиялари асосида бартараф этиш бўйича таълимий тадқиқот экспериментини ўтказишни режалаштириш зарурлиги аниқланди.

Биз ўз тадқиқот ишимизни бажариш жараёнида дизартрияли болалар артикуляцион нутқ аппарати ҳаракатчанлиги, фонематик идрок ва талаффуз малакаларини ривожлантириш усулларидан қийси бирларини қўллашимиз мумкин эканлигини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бунинг учун махсус мактабгача таълим ташкилотларининг нутқ ўстириш дастурининг вазифаси ва мазмуни ўрганилди, ушбу маълумотларга асосланган ҳолда усуллар саралаб олинди. Саралаб олинган усулларнинг самарадорлиги таълимий эксперимент давомида синовдан ўтказилди.

Таълимий тажриба-синов қуйидаги кўрсаткичлар асосида ташкил қилинди:

- дизартрияли болалар артикуляцион нутқ аппаратини ҳаракаткатчанлиги ва товушлар талаффузини ўрганиш бўйича ўтказилган таъкидловчи тажриба-синов натижалари;

- логопедларнинг якка, кичик гуруҳ ва гуруҳли ташкил қилинган логопедик машғулотларини кузатиш натижалари ҳисобга олинди.

Таълимий эксперимент Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 480 ва 560-ихтисослашитирилга мактабгача таълим ташкилотиниг катта гуруҳида олиб борилди.

Дизартрияла болаларни коррекцион – педагогик ишлар жараёнида фонематик идрок ва товушлар талаффузини ривожлантириш ишларини амалга оширишга оид қатор усул ва воситалар аниқланди. Ушбу усул ҳамда технологиялар таълимий тажриба – синов ишари орқали амалиётга тадбиқ этилди. Тажриба синов ишлари биз томондан шакллантирилган махсус дастур асосида амалга оширилди. Дастур таълим жараёнининг икки асосий ташкилий моделда амалга оширилишини таъминлайди:

- педагог ва боланинг ҳамжиҳатликдаги фаолияти (индивидуал, гуруҳчали, гуруҳли);

- боланинг максимал даражада мустақил фаолият олиб бориши.

Дастурда дизартрияли болалар билан олиб бориладиган коррекцион-ривожлантирувчи ишлар асосан ўйин шаклида олиб борилиши назарда тутилади. Ҳар бир ўйин машғулотининг педагогик моҳияти коррекцион-ривожлантирувчи, таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

Мактабгача ёшдаги дизартрияли болаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олувчи, “Дастур” нинг кўп омилли таркиби болаларнинг нутқий ривожланишидаги бузилишларни самарали бартараф этишга ва педагогик жараёнда соҳалараро мутахассислар, ота-оналар ёки болаларнинг ота ва оналарини иштирок этишини

таъминлашга имкон беради, бу эса коррекцион ишнинг муддати ва самарасига ижобий таъсир кўрсатади.

Талаффуз малакаларини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар универсал ривожлантирувчи дидактик материал саналади. Улар товушларни нутқга қўйиш, мустахкамлаш, нутқнинг ифодавийлиги каби малакаларни ривожлантиришга ёрдам беради. Коррекцион таълим жараёнида артикуляцион нутқ аппарати ҳаракатчанлиги ва фонематик идрок, талаффуз малакаларини ривожлантиришга қаратилган махсус ўйин технологияларидан фойдаланиш айниқса, мақсадга мувофиқдир. Ўйинли машқлар, жисмоний дақиқаларни нутқида нуқсони бўлган болаларда қўллаш коррекцион иш мобайнида олинадиган натижани янада оширади.

Артикуляцион нутқ аппаратини ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар мушак тонусини аста-секинлик билан нормаллаштиради ва яхшилайди ҳамда самарали коррекцион ишни ташкил этиш учун яхши асос бўла олади. Фонематик идрокни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар товушларни тўғри талаффуз эшитишга ёрдам беради.

Тарбияланувчиларнинг машғулот турини эркин танлаши ва педагогнинг ишлари билан уйғунлигини режалаштириши орқали ушбу иш шакллари биргаликда ёки алоҳида тарзда қўлланилади. Ишчи дастурни амалга оширишнинг ҳар қандай шакли, усули, методи ва воситалари ДТС ни ҳисобга олган тарзда ташкил этилади ва боланинг ўз имкониятлари, қизиқишлари ҳамда шахс хусусиятларидан келиб чиқиб унинг таълим жараёнида фаол иштирок этишини таъминлайди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари болаларнинг каттагина қисми топшириқларнинг бажарилишида ўрта даража талабларига тўғри келганлигини кўрсатди. Паст даражадаги кўрсаткич эса таълим босқичлари якунига қараб, босқичма-босқич пасайиб борди. Бу эса танланган инновацион технологияларнинг самарадорлигини исботлади.

Экспериментал таълимдан кейин болаларда товушлар талаффузи мустақил нутқда мустаҳкамланиши ижобий томонга ўзгарди. Шунингдек, эътиборимизни болалардаги артикуляцион нутқ аппаратининг моторикаси ҳам ўзига тортди. Экспериментгача бўлган даврда артикуляцион нутқ аппаратини ҳаракатга келтирувчи машқларни бажара олмаган ёки машқларни бошқалар ёрдами билан бажараётган болаларнинг аксарияти бу машқларни мустақил қийналмасдан бажара бошлашди.

Таълимий тадқиқот якунига келиб эса, талаффуз малакалари бўйича юқори даражада ривожланганик қайд этилди. Бу эса биз томондан ишлаб чиқилган таълим дастури болаларнинг талаффуз малакалаларини ривожлантирилишида самарадор эканлигидан далолат беради. Тадқиқот якунида ҳар қайси боланинг нутқида ижобий ривожланиш мавжуд, аммо, қайсидир боланинг нутқидаги камчилик буткул бартарф этилган, бошқаси билан коррекцион ишлар давом эттирилиши лозимлиги белгиланди.

Шундай қилиб, тажриба-синов ишларида тажриба гуруҳларида тадқиқот ишида кўзда тутилган мақсадга эришилгани, болаларнинг талаффуз малакаларини ривожлантириш бўйича ўртача натижалар даражаси кўтарилганидан далолат беради.

Дизартрия нутқ камчилигини бартараф этишда ўйин технологияларини мақсадли ва тизили қўллаш болалар нутқини коррекциялашда юқори самарадорликка эга эканлиги, ўйинли фаолият болаларда қизиқиш, фаоллик ва эркин мулоқаи муҳитини шакллантириш тажриба синов жараёнида ўз исботини топди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ayupova M.Y. Logopediya. T.:, “O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati”нашрёти 2025 y.

2. Архипова, Е.Ф. Стёртая дизартрия у детей / Е.Ф.Архипова. – М., 2007. –150 с.
3. Белякова, Л.И. Логопедия. Дизартрия / Л.И. Белякова, Н.Н. Волоскова. – М.: ВЛАДОС, 2009. – 76 с.
4. Винарская, Е.Н. Дизартрия. / Е.Н. Винарская. – М. : Транзиткнига, 2005 – 141
5. Лопатина, Л.В. Преодоление речевых нарушений у дошкольников: Учебное пособие. / Л.В. Лопатина, Н.В. Серебрякова. – Спб., 2003. [Электронный ресурс: http://pedlib.ru/Books/5/0146/5_0146-2.shtml]